

**ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ  
МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО  
ОБРАЗОВАНИЯ RESPУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЭКОНОМИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**ЎЗБЕКИСТОНДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
МЕНЕЖМЕНТ ВА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ АҲАМИЯТИ**

**ҳалқаро илмий-амалий конференцияси маъруза тезислари тўплами**

**Ўзбекистон, Тошкент ш.,  
2020 йил 20 май**

	Nuriddinova N.N.	tourism industry	
106.	Хайдаров С.И., Юсупова Д.Т.	Бизнес жараёнларни бошқаришнинг назарий асослари	360
107.	Хайдарова Ж. А.	Ёшлар ва аёллар бандлигини таъминлашдаги долзарб вазифлар	363
108.	Хамидов Д. Р.,	Перспективы имплементации принципов проектного управления в цифровой экономике	366
109.	Ходжнакбарова З.Ф.	Проблемы развития цифровой экономики в республике узбекистан	368
110.	Холбадалов Ў. Ш.	Коронавирус пандемияси оқибатидаги инқироздан кейин тикланишда туризм соҳасини рақамлаштиришнинг асосий йўналишлари	369
111.	Xoldorov D.B.	Raqamli iqtisoiyotda mahalliy korxonalarining iqtisodiy xavfsizligini ta'minlash mexanizmi	372
112.	Хотамов И. С	Иқтисодий хавфсизлик ва рақамли иқтисодиёт	375
113.	Хўжамуродов А.Ж.	Ўзбекистон фонд бозорини ривожлантиришнинг замонавий йўллари	379
114.	Бегалов Ш., Хусайнов Ш.	Рақамли иқтисодиёт: устунликлари ва рисклари	382
115.	Шермухамедов А.К. Махмудов С.Б.	Мамлакат молия тизимида рақамли иқтисодиётнинг ўрни.	385
116.	Shonazarova G.B.	Innovative strategies at industrial enterprises of uzbekistan in the context of digitalization of the economy	387
117.	Юлдашева И.У., Юсупова Д.Т.	Инвестицияларнинг моҳияти ва уларни тўқимачилик корхоналарига жалб этиш хусусиятлари	389
118.	Юлдашев Н.К.	Цифровизация экономики - главное направление развития узбекистана	392
119.	Юсупов У.Ш,	Трикотаж корхоналарида инновацияларни тадбиқ этиш тизимини такомиллаштириш	395
120.	Юсупов М, Исмагуллаев М.	Пахта хом-ашёси етиштириш ва қайта ишлашни кластер ёндошуви асосида ривожлантириш	397
121.	Юсупова Н.В.	Минтақаларда тўқимачилик саноатига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг самарали муҳитини шакллантириш	400
122.	Юсупов М Маннопов Х	Корхонада маҳсулот таннархини камайтириш асосида рақобатбардошликни ошириш	402

билан яқин ҳамкорликда рақамли иқтисодиётни яратишдир. Ўз навбатида, бунинг учун биз қандай рақамли келажакни мамлакатимиз ривождаги ўрнини аниқ тасаввурга эга бўлишимиз керак. Иккинчидан эса, иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида рақамли технологияларни жорий этиш ўзига хос хусусиятга эга, аммо хўжалик тизимида ишлаб чиқариш жараёнларини жиддий равишда қайта ташкил этишни зарурат сифатида қараш лозим.

Шундай қилиб, рақамли иқтисодиётнинг аввало тўғри қўлланиши ва унинг ўсиши кўплаб янги иқтисодий имкониятларни яратади. Рақамли маълумотлардан ривожланишда, шунингдек, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда фойдаланиш мумкин.

*А.К. Шермухамедов, ассистент  
С.Б.Махмудов тадқиқотчи,  
ТДИУ*

## **МАМЛАКАТ МОЛИЯ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ**

Мамлакатимизда, 2020 йилни Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастурига кўра макронқтисодий барқарорликни мустақкамлаш, бозор муносабатлари бўйича нарх-наво барқарорлигини, инфляция даражасининг ошмаслигини таъминлаш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, қўшимча имконият ва манбалар ҳисобидан бюджет дефицитини ва солиқ юқини камайтириш, солиққа тортиладиган базани кенгайтиришга катта эътибор қаратилган.

Шунингдек хомашёни қайта ишлаш бўйича илғор технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш таннархини ва энергия сарфини камайтириш, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий банк хизматлари тури хил инновацион турларини татбиқ қилиш, “рақамли иқтисодиёт”ни жадал ривожлантириш, инсон фаолиятининг барча жабхаларида рақамли технологияларни қўллаш, яширин иқтисодиётга барҳам бериш энг асосий долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда қуйидагилар аҳамиятлидир.

Биринчидан, бугунги кунда мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатлари товар ва хизматлар нарх-наво мувозанатини таъминлаш учун давлат пул-кредит сиёсатини такомиллаштириш доирасида замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек мамлакатимиз иқтисодий тармоқларида пул-кредит сиёсатининг бозор муносабатларига хос воситаларидан фойдаланиш, қулай фоиз сиёсатини олиб бориш ва асосий ставкаларини доимий равишда назорат қилиш орқали нархлар беқарорлиги ва инфляциянинг даражасидан ошиши хавфларининг олдини олиш, давлат қимматли қоғозлари билан пул бозори операцияларини амалга ошириш ва ғазначиликда мавжуд бўш пул маблағларини тижорат банкларига жойлаштириш учун ягона платформа яратиш, инфляцион таргетлаш

режимининг моҳияти ва мақсадлари, уни амалга ошириш шарт-шароитлари, ижобий таъсирлари ҳамда унга эришиш муддатлари ҳақидаги маълумотни фуқороларга объектив, аниқ, содда усулда етказиб бориш кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, бюджет маблағларидан ҳамда давлат активларидан мақсадли фойдаланиш, бюджет дефицитини камайтиришга қаратилган нормаларни мустақамлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва молиявий назоратнинг халқаро стандартларини қўллаш йўли билан қонун бузилишларини олдини олиш, аниқлаш, огоҳлантириш ва бартараф этишни назарда тутадиган “Давлат молиявий назорати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши кўзда тутилган.

Учинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида очикликни таъминлаш, тадбиркорлар ва инвесторларга қулай инвестицион муҳит ҳамда капитал қўйилмаларида инновацион тадбиркорликнинг ривожлантиришда амалий солиқ солиш муҳитини яратиш, “яширин” иқтисодиётга қарши кескин курашиш, унинг ҳажмини максимал даражада камайтириш учун солиқ маъмуриятчилигини шаффоф йўлга қўйиш, солиқ юкни камайтириш ҳамда соддалаштиришга эътибор қаратиш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг натижасида “яширин” иқтисодиёт кўрсаткичлари мамлакатимиз реал ЯИМда аниқ рақамларда ифода намоён бўла бошлайди.

Шундан келиб чиқиб солиқ соҳасида бутунлай очикликни таъминлаш, замонавий дастурлаш ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилиб, солиқ тўловчиларни сегментлаш, хавфлилик даражасига қараб инсон омилини тўлиқ бартараф этадиган солиқ назоратини амалга оширишни назарда тутувчи “Таҳлика-таҳлил” дастурий маҳсулот яратилади. Онлайн назорат касса-машиналари, виртуал кассалар ҳамда электрон ҳисобварақ-фактура маълумотларини қайта ишлаш ва улар асосида солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш жараёнини автоматлаштириш, “Big data” архитектураси асосида маълумотларни қайта ишловчи “Business Intelligence” таҳлилий моделлар жорий этилади.

Солиқ тўловчиларга шахсий кабинет орқали кўрсатиладиган хизматларни кенгайтириш, “Ишончли ҳамкор” лойиҳаси доирасида тижорат банклари ва бошқа ташкилотлар орқали солиқ тўловчилар ҳақидаги ахборотларни жамлаган хизмат турлари, солиқ тўловчиларга солиқларни ҳисоблаш ҳамда ҳисобот топширишга қўмаклашиш учун соддалаштирилган “Сизнинг электрон бухгалтерингиз” дастурий маҳсулот ва хизмат туридан фойдаланиш ҳам мўлжалланган.

Нафақат бизда, балки бутун жаҳон иқтисодиётида ҳам бартараф этилиши қийин кечадиган солиқдан қочиб, фаолиятини яширин олиб борувчиларга мурасасиз бўлиш мақсадида хорижий мутахассислар иштирокида “яширин иқтисодиёт”нинг вужудга келиш омилларини таҳлил қилиш ва унга қарши курашиш дастури тасдиқланади. Бунда “рақамли маркировка ва онлайн касса” лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш, интернет-савдо соҳасидаги субъектларни аниқлаш тартибини такомиллаштириш, “Э-омбор” товарларни

ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш, импорт қилинадиган товарлар бўйича электрон шаклда ҳисоботларни тайёрлашни таъминлаш, ўулар жумласидандир.

Шунингдек Молия-иқтисод соҳасида блокчейнни қўллаш орқали блокчейн технологиялари ривожлангани сайин унга давлатнинг ва хусусий секторнинг қизиқиши кучайди ва турли соҳаларда ундан фойдаланиш юзасидан тадқиқотлар ўтказила бошланди. Бунда давлат бошқарувидан тортиб, то молиявий тизимларгача қамраб олинди.

Эндиликда тадқиқотлар натижаларига таянган олимлар блокчейн технологияларини қўллашдаги иккита асосий муаммони ажратиб кўрсатишмоқда:

– блокчейн меъёрида ишлаши учун тармоқнинг ўтказувчанлик хусусиятини таъминлаш;

– тармоқ бўғинида амалга оширилаётган трансакциялар ҳақидаги маълумотларни тўлалигича сақлаб қолиш.

Ўз навбатида, бу муаммоларни ҳал этишнинг бир нечта варианты таклиф қилинмоқда. Масалан, маълумотларнинг барчасини эмас, балки блоклар номини ва баъзи белгиланган қўшимча маълумотларнигина сақлаш (*Scorex* очик блокчейн-порталининг *Rollerchain* ечими) ёки тармоқ топологиясини ўзгартириш йўли билан, яъни тармоқ ичида қўшимча “енгил” миждоз ролини ташкил этиш орқали. Бунда фақатгина бир блокчейн-аккаунти учун банк ҳисоби аналогларида трансакциялар ўтказилади.

Бунун жаҳон Банк тизимида 2016 йилдан эътиборан биткойн ва криптовалюталар оммалашиши туфайли таҳликалар бошланди. Бир томондан банклар биткойн мавжудлигини ва ушбу криптовалютани институционаллашувини тан олмаётган бўлишса, бошқа томондан ўз трансакциялари самарадорлигини ошириш учун блокчейн порталларидан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар ўтказишмоқда. Чунончи, Японияда бир нечта банк валюта айирбошлаш ва конверция операциялари каби молиявий битимлар сифатини ошириш мақсадида блокчейн консорциуми тузилмоқда.

*G.B. Shonazarova,  
PhD, TSUE*

## **INNOVATIVE STRATEGIES AT INDUSTRIAL ENTERPRISES OF UZBEKISTAN IN THE CONTEXT OF DIGITALIZATION OF THE ECONOMY**

In the context of a systemic crisis of production, the development of innovation in enterprises is especially important, it should cover various areas of activity associated with innovation cycles, combining research methods, technologies and an enterprise management system. Foreign experience in introducing innovations at production enterprises should be actively applied in the conditions of Uzbekistan in relation to independent economic entities, factors and driving forces of the innovation process on the part of companies. At the same time, innovative processes and their

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида амалга ошириш” дастурида белгиланган устувор вазифалар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 2020 йил 20 май куни Тошкент давлат иқтисодиёт университети Корпоратив бошқарув факультетининг Корпоратив бошқарув ва Менежмент кафедралари ҳамда Россия Федерациясининг Урал давлат иқтисодиёт университетининг Иқтисодий назария ва корпоратив иқтисодиёт кафедраси иштирокида “Ўзбекистонда рақамли иқтисодиётни шакллантиришда менежмент ва корпоратив бошқарувнинг аҳамияти” мавзусида халқаро илмий-амалий ўтказилган илмий-амалий конференцияга келиб тушган илмий мақолалар жамланган.

Унда куйидаги шўъбалар бўйича мақолалар тизимлаштирилган:

- Рақамли иқтисодиётда менежментнинг ўрни.
- Рақамли иқтисодиёт соғлом рақобат муҳити таъминланишининг етакчи омили.
- Рақамли иқтисодиёт инновацион менежментнинг асоси.
- Акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлигини оширишда корпоратив бошқарув механизмларидан фойдаланиш.
- Корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришда рақамли иқтисодиётнинг ўрни.

*Мақолаларда келтирилган маълумотларга муаллифларнинг ўзлари масъулдирлар.*

ТДИУ ректори, т.ф.д., проф. К.А.Шарипов умумий тахрири остида.

Тахрир хайъати: и.ф.д., доц. К.Б.Ахмеджанов, и.ф.д., проф. Н.Қ.Йўлдошев, DSc. проф. Р.Карлибаева, доц., Н.Т.Урмонов, и.ф.н., доц. М.Умарходжаева, и.ф.н., доц. А.А.Темиров, PhD. Б.Н.Уринов, PhD. А.Ж.Хўжамуродов, кат. ўқт. А.К.Шермухамедов, кат. ўқт. О.Д.Джурбаев.